333-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

2012 — 2016 йилларда Кишлок хужалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тугрисида

Узбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастури тўгрисида» 2012 йил 21 майдаги ПК-1758-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Махкамаси карор килади:

- 1. 2012 2016 йилларда Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш буйича Комплекс тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс тадбирлар деб аталади) иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПК-1758-сон қарори билан ташкил этилган 2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастурини амалга оширишни таъминлаш юзасидан Ишларни мувофиклаштириш ва масалаларни тезкор хал этиш буйича идоралараро комиссия (У.У. Розукулов) Узбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Хукумат қарорлари лойихалари сифатли ишлаб чиқилишини ва ўз вақтида киритилишини, шунингдек Комплекс тадбирларда назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 14 июль, 215-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги 215-сон қарорига ИЛОВА

2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш буйича КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР

T/p	Тадбирлар номи	Ишлаб чиқиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар				
				вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД			
	І. Қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини							
	янги, замонавий юкори унумли ва ресурсларни тежовчи техника билан таъминлаш							
1.1.	Фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.		Қишлоқ ва сув хўжалиги	Қишлоқ хўжалиги			
	техникасининг, шу жумладан ўзиюрар	Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 январ-	2012 йил	вазирлиги,	АТД,			
	машиналарнинг агротехника тадбирларини	даги 8-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ	1 октябрь	«Ўздавтехназорат»	Машинасозлик АТД			
	амалга оширишга тайёрлиги ва ярокли-	ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва		инспекцияси,				
	лигини мустақил экспертизадан (техник	асбоб-ускуналарнинг техник холатини назорат		Ички ишлар вазирлиги, Адлия				
	кўрикдан) ўтказиш тизимини яратиш.	қилиш давлат бош инспекцияси тўгрисидаги		вазирлиги				
		низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.						
1.2.	Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги	Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технология-		Қишлоқ ва сув хўжалиги	Машинасозлик АТД,			
	техникаси ва технологияларини сертифика-	ларини мустақил сертификатлаш ва синашнинг	2012 йил	вазирлиги,	Қишлоқ хўжалиги			
	циялаш ва синаш марказини «Ўзагромаш-	ягона тизимини яратишни ҳамда Ўзбекистон	1 октябрь	«Ўзагромашсервис» уюшмаси,	АТД			
	сервис» уюшмаси таркибидан чиқарган	давлат қишлоқ хўжалиги техникаси ва		Молия вазирлиги, Адлия				
	холда Вазирлар Махкамасининг Машина-	технологияларини сертификациялаш ва синаш		вазирлиги				
	созлик, электротехника ва авиация	маркази фаолиятини бюджет маблаглари						
	саноатини ривожлантириш, махсулотларни	хисобига молиялаштиришни назарда тутувчи						
	стандартлаштириш масалалари комплекси	Узбекистон Республикаси Президенти қарори						
	таркибига киритиш.	лойихаси.						
1.3.	Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойда-	Қишлоқ хўжалиги техникасидан	2012 йил	Қишлоқ ва сув хўжалиги	Қишлоқ хўжалиги			
	ланишнинг чекланган норматив муддат-	фойдаланишнинг чекланган норматив	1 октябрь	вазирлиги, Молия вазирлиги,	АТД,			
	ларини белгилаш ва мулкчилик шакллари-	муддатларини белгилаш ва қишлоқ хўжалиги		Адлия вазирлиги,	Машинасозлик АТД,			
	дан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги тех-	техникаси паркини янгилашни		қишлоқ хўжалиги	Йиғма АТД			
	никаси паркини янгилашни рағбатланти-	рағбатлантиришнинг қўшимча механизмлари		машинасозлиги корхоналари				
	ришнинг қўшимча механизмларини жорий	бўйича таклифлар						
	этиш.							



	Тадбирлар номи	Ишлаб чиқиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масьуллар	
T/p				вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД
1.4.	Қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича янги замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича намунавий технологик хариталарга тузатиш киритиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати ҳарори. Янги намунавий технологик хариталарни Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишиш.	2013 йил 1 март	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги АТД
1.5.	Қишлоқ хўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда юқори унумли мелиорация техникасига ўртача тармоқ харажатларини акс эттирувчи нормаларни ишлаб чиқиш.	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ)	2013 йил 1 апрель	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти	Коммунал соха АТД, Қишлоқ хўжалиги АТД, Йиғма АТД
1.6.	Тракторларнинг янги турларини ва кишлок хўжалиги машиналарининг тегиш- ли шлейфларини жорий этиш бўйича комплекс лойиҳаларни ишлаб чиҳиш, республиканинг илмий, конструкторлик ва ишлаб чиҳариш салоҳиятини интеграция- лаш йўли билан ягона тажриба-экспе- римент базани яратиш.	2013 — 2015 йилларда Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг янги ресурсларни тежайдиган технологияларни ва уларни амалга оширувчи техник воситаларни яратиш бўйича давлат илмий-техник дастурларини тасдиқлаш тўгрисида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳайъатларининг қўшма қарори	2013 йил 1 февраль	Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	Қишлоқ хўжалиги АТД, Таълим АТД, Машинасозлик АТД
1.7.	Қорақалпогистон Республикасида ва хар бир вилоятда: тупроқ-иклим шароитларини, тупроқ- ингг механик таркиби, тузилиши ва шўрланганлигини; қишлоқ хўжалиги тармоқлари — пахтачилик-дончилик, чорвачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавотчилик-полизчиликниг ўзига хослигини; маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари намуналари билан жиҳозланганликни ҳисобга олган ҳолда кўргазмали технологик паркларин ташкил этиш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар қокимларининг қарорлари. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш, молиявий тузилмалар (банклар, жамғармалар) ва МФЭИнинг молиявий маблағларини, шу жумладан грантлар шаклидаги маблағларини жалб этиш, лойиҳаларни бевосита Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарининг назорати остида амалга ошириш.	2012-2013 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий- тадқиқот институти, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналари	Қишлоқ хўжалиги АТД, Йиғма АТД, Машинасозлик АТД

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

	Ишлаб чикиладиган хужжат шакли,	Бажариш	Масъуллар				
T/p	Тадбирлар номи	амалга ошириш механизми	муддати	вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД		
	II. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник жихатдан қайта жихозлаш, қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турлари ишлаб чиқарилишини тайёрлаш						
2.1.	2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигида жорий этиш назарда тутилган техник талабларни ишлаб чиқиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг техник талабларни тасдиқлаш тўгрисидаги қарори (буйруғи). Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига техник талаблар қўйиш.	2012 йил 1 октябрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмийтадқиқот институти, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	Қишлоқ хўжалиги АТД, Йигма АТД, Машинасозлик АТД		
2.2.	Қабул қилиш, синовлар ўтказиш ва ишончлилик юзасидан халқаро, давлатлараро стандартларга мувофиқ 2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигида жорий этиш назарда тутилган техниканинг янги турларига қўйиладиган техник топшириқларни (зарурият бўлганда) ва техник шартларни ишлаб чиқиш.	Техник топшириқлар ва техник шартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича тадбирларни лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларига киритиш.	Лойиҳа- ларни амалга ошириш- нинг тар- моқ жад- валларига мувофиқ	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш маркази), «Ўзстандарт» агентлиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	Қишлоқ хўжалиги АТД, Машинасозлик АТД		
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўгрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ—1758-сон қарорига 2-иловага мувофиқ жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турларини ишлаб чиқаришни биргаликда ташкил этилишини ишлаб чиқиш.	Салохиятли хорижий шериклар билан музокаралар ўтказиш. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизациялаш ва технологик жихатдан қайта жихозлаш бўйича тегишли шартномавий базани расмийлаштириш ва лойихаларни шакллантириш.	2013 йил 1 июнь	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Машинасозлик АТД, Йигма АТД		
2.4.	Жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда замонавий техника ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойи-ҳалари ишлаб чиқилишини бошлаш.	Хар бир аниқ инвестиция лойихасига боғлиқ холда Хукумат қарорлари лойихаларини ишлаб чиқиш, уларда инвестиция лойихаларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш	2012 — 2016 йиллар	Қишлоқ хўжалиги машина- созлиги корхоналари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвести- циялар ва савдо вазирлиги	Машинасозлик АТД, Йиғма АТД		



333-модда

78

T/p	Тадбирлар номи	Ишлаб чиқиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар	
				вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД
		учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратили- шини назарда тутиш.			
2.5.	Ишлаб чиқариш қувватларини мақбуллаштиришни, техник аудит якунларини хисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқиш.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхона- ларини модернизациялаш ва технологик жихатдан қайта жихозлаш дастурларини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойихаси.	2013 йил 1 апрель	Иқтисодиёт вазирлиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	Машинасозлик АТД Йигма АТД
	III. Қишлоқ хўжалиги техник	асини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улар тизимини янада такомиллаштир		змати кўрсатишни молиялашті	ириш
3.1.	«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида унинг устав капиталини кўпайтириш бўйича таклифлар киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойихаси.	2012 йил 1 октябрь	«Ўзқишлоқхўжаликмаш- лизинг» АЛК, Молия вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси	Қишлоқ хўжалиги АТД, Йиғма АТД
3.2.	ТН ТИФ кодлари ягона гурухи бўйича кишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини индустриал ишлаб чикаришда мақсадли фойдаланиш учун материаллар ва бутловчи буюмларни олиб киришда божхона тўловлари ставкаларини уларни камайтириш томонга қайта кўриб чикиш, шунингдек ваколатли органда (Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш марказида) давлат синовларидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасига («вақтинча олиб кириш» режимида) олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги техникасини даврий божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича таклифлар киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.	2012 йил 1 ноябрь	Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари	Йигма АТД, Машинасозлик АТД
3.3.	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини металл прокати ва хорижда ишлаб чиқарилган бошқа материаллар, бутловчи қисмлар билан бир маромда марказлаштан таъминотини ташкил этиш-	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Металл прокати ва хорижда ишлаб чиқарилган бошқа материаллар, бутловчи қисмларни бир маромда ва ўз вақтида етказиб беришни ташкил этиш, йирик буюртмаларни жой-	2012 йил 1 ноябрь	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ күмитаси,	Йиғма АТД, Машинасозлик АТД

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

		Ишлаб чикиладиган хужжат шакли,	Бажариш	Масъуллар		
T/p	Тадбирлар номи	ишлао чиқиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	муддати муддати	вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД	
	нинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритиш.	лаштириш ҳисобига харажатларни камайтириш.		Давлат божхона қўмитаси, қишлоқ хўжалиги машина- созлиги корхоналари		
3.4.	Етказиб берилган техника, унга эҳтиёт қисмлар, шунингдек машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатиш корхоналари хизматлари учун, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштириш ҳисобига ўз вақтида ҳисобкитоб қилиш юзасидан масъулият ва назоратни ошириш механизмини жорий этиш.	Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қўшма қарори.	2012 йил 1 сентябрь	Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» АК	Йигма АТД, Қишлоқ хўжалиги АТД, Машинасозлик АТД	
	IV. Фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига кадрлар тайёрлаш ва уларнинг мутахассислар малакасини ошириш					
4.1.	Корақалпогистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдаги намунали машина-трактор парклари негизида: назарий асосларни ўқитиш учун техника олий таълим муассасалари ўқитувчилари, тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг илмий мутахассисларини шартнома асосида; амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун илгор амалиётчи мутахассисларни; замонавий, юқори унумли техникалардан фойдаланиш ва сервис хизматлари кўрсатиш нормаларини ўқитиш учун хорижий шерикларга сервис хизматлари кўрсатиш соҳасидаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича машина-трактор парклари мутахассисларининг малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъатларининг, «Ўзагромашсервис» уюшмаси фермер хўжаликлари, «Ўзавтосаноат» АКнинг қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича машина-трактор парклари мутахассисларининг малакасини ошириш дастурини тасдиқлаш юзасидан қўшма қарори	2012 йил 1 сентябрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» АК, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	Қишлоқ хўжалиги АТД, Машинасозлик АТД, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТД, Йиғма АТД	



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

	Тадбирлар номи	Ишлаб чиқиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масьуллар	
T/p				вазирликлар, идоралар, корхоналар	Вазирлар Маҳка- масининг АТД
4.2.	Қишлоқ хўжалиги техникаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида хорижий шериклар ишлаб чиҳаришларида ҳишлоҳ хўжалиги машинасозлиги корхоналари мутахассисларининг стажировкаларини ташкил этиш.	корхоналари ва хорижий шериклар ўртасидаги шартномавий база	2012 — 2016 йиллар	Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» АК	Машинасозлик АТД

Изох: норматив-хуқуқий хужжатларнинг турлари тегишли хуқуқий муносабатларни тартибга солиш сохаси ва предметига боғлиқ холда қайта куриб чиқилиши ёки ягона хужжат сифатида бирлаштирилиши мумкин.

